

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ЙУЛЛАРИ ҚУРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОНЦЕРНИ (ЎЗАВТОЙЎЛ) НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йуллари тўғрисида»ги қонунини ижро этиш юзасидан ва республиканинг йўл хўжалигини бошқаришни янада такомиллаштириш, бозор мусоабатлари шаклланиб бораётган шартларда қўйи таркибий бўлинмаларга кўпроқ мустақиллик бериш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Автомобиль йуллари вазирлиги тугатилсин. Республика йўл хўжалиги тизимдаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар меҳнат жамоаларининг амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон автомобиль йуллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акционерлик концерни («Ўзавтойўл»)ни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Белгиланган қўйилсинки, «Ўзавтойўл» концерни: хўжалик уюшмаси бўлиб, автомобиль йуллари, кўприкларни ҳамда бошқа йўл иншоотларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш ва фойдаланиш ишларини амалга оширувчи давлат, давлат-акционерлик, ижара, жамоа корхоналари ва ташкилотларини, шунингдек тармонни ривожлантиришда манфаатдор бўлган бошқа тармоқларнинг корхона ва ташкилотларини ҳамда хорижий юридик шахсларни иштирок этиши асосида бирлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг тугатилган Автомобиль йуллари вазирлигининг ҳуқуқий вориси ҳисобланиб, ўз фаолиятида амалдаги қонунларга ва қонуннинг устунига амал қилади.

2. «Ўзавтойўл» концерни зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш юзасидан:

Ўзбекистон Республикасининг Давлатистратегида қўйилган билан биргаликда республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини энг кўп даражада қондириш учун автомобиль йулларини ривожлантириш концепцияси ва истиқболга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш;

республика автомобиль йуллари тармоғини ривожлантириш, фойдаланиш ва такомиллаштириш ишда ягона илмий-техникавий сиёсатни ўтказиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йулларини лойиҳалаш, реконструкциялаш, таъмирлаш ва сақлаш масалаларини комплекс ҳал этишни таъминлаш; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан бевосита шартномалар ҳамда битимлар тузиш асосида автомобиль йуллари, кўприклар ва бошқа йўл иншоотлари қуриш ҳамда узатча турдаги пуллар ишларини бажариш;

Ўзaro манфаатли ташқи иттиқодий алоқаларни ривожлантириш, хорижий фирмалар билан қўшма ишлаб чиқариш ва корхоналарини ташкил қилиш, МДХ давлатларида ва чет элларда автомобиль йуллари қуриш.

3. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамаси 10 кун муддат ичда «Ўзавтойўл» концернини ташкил этиш ва унинг фаолиятига оид масалалар юзасидан қарор қабул қилиб, унинг тузилмаси ва уставини тасдиқласин.



СУРАТДА: қабул пайти. А. ЗУФАРОВ олган сурат. (ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

27 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов Америка Қўшма Штатларининг Тожикистондаги элчиси, АҚШ давлат котибининг махсус вакили, Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳаракатининг раҳбари С. Эскудера билан қабул қилди.

Сўхбат чоғида Тожикистондаги вазият ва биродарлик руҳида зарар кўрган оилаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисида сўз борди.

Жаноб С. Эскудера АҚШ ҳукумати Ўзбекистон раҳбариятининг Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштиришда жафокаш тоқиб халқни кўрсатган инсонийлик ёрдами юқори баҳолаётганини маълум қилди. Қабул маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги фахр-қулдода ва мухтор элчиси Г. Л. Кларк ҳозир бўлди. (ЎзА).

Дардларга малҳам бўлиб

Ҳеч кимнинг бошига қор ёғмасин экан. Мабодо, ёғиб қолса-чи? Қаторда норинг бўлсин деганларидек, оғаниларнинг, елкадошларнинг қўл узатиб ҳамдардлик билдирса, оғиринг энгил бўлар, кўнглинг тоғдек кўтарилар экан... Худди шу нарса ўбеклар билан илдири бир, йймон-эътиқоди бир тоқикларнинг бошига қулфат тушганда кўринаётир. Ғаламислар қилгулики қилиб, жуфтани ростлаб қолган шу кунларда бутун Ўзбек халқи, Марказий Осиё аҳолиси биродарларимизга ёрдамга келмоқда, кимларнингдир гадрдорлиги билан қаҳратонда оч-юпун қолганларнинг жонига ора киришга ҳаракат қилмоқда.

Кун кеча Ўзбекистон республикасининг байналмилал маданий марказида ўтказилган тадбир бу фикр-мулоҳазаларни янада олдига юртимизда фаолият кўрсатган миллий маданий марказларнинг намояндалари Қизил ярим ой жамияти марказий қўмитаси, «Наврўз» хайрия жамғармасининг раҳбарлари, вазирликлар ва давлат ташкилотлари, конферанс, уюшмалар, ййрик корхона ва заводларнинг вакиллари Тожикистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш Ўзбекистон жамғармасининг таъсис анжуманига ййилдилар.

Ййгилишда «Наврўз» хайрия жамғармаси 5 миллион, «Микон» заводи 300 минг, Қувасой саноат қурилиши материаллари заводи 500 минг, «Қизил тоғ» ишлаб чиқариш бирлашмаси 300 минг, Тошкент шаҳар йўловчилар ташвиш бошқармаси 200 минг, «Ипак йўли» тижорат банки 100 минг сўм ўтказишни маълум бўлди. «Юнитех интернейшнл» қўшма корхонаси қардошларимизга тиббиёт ускуналарига қўшма корхонаси, маҳаллий тиббиёт ходимларини бу ускуналарда ишлашга ўргатажга айтилди. «Совластитал» қўшма корхонаси, «Ўзбекистон ҳаво йуллари» авиаконаниаси, миллий маданий марказлар ҳам жамғарманинг оёққа туриб олишига ҳисса қўшдилар.

Бошқа корхоналар, фуқаролар ҳам савобли ишдан четда қолмаслар, деб ўйлаймиз. Шу мақсадда Тожикистон халқларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш республика жамғармаси Тошкент шаҳрининг Педагогика кўчасидаги 30-уйда жойлашганини, МФО 172627328 Ўзбекистон саноат қурилиш банкнинг Тошкент бўлимида 000700235 рақамли ҳисоби очилганини маълум қиламиз.

Таъсис анжуманида Тожикистон халқларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш Ўзбекистон жамғармасининг бошқаруви ва унинг Раиси сайланди. Республика Қизил ярим ой жамияти марказий қўмитаси раисининг ўринбосари А. Ғуломов жамғарма раиси бўлди. Б. АБДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИНЧИ КУН

Маданият кунларининг дастури бўйича Абдулла Қодирий номидаги Маданият институтида катта мушоира бўлди. Унда дардош ўлганинг энг хуррағли ва истеъдодли адблар: Жўмарт Оймиров, Ибройим Юсупов, Тўлебергали Қайнибергенов, Гулистон Аниқилчева ва бошқалар ўз асарларини ўқиб, мухлислар олдига сазовор бўдилар.

Тошкент тўқимачилик корхонасининг маданият саройи ҳам маданият кунларининг ўчоқларидан бирига айланди. Қорақалпоғистоннинг «Муҳаббат» дуторчилар ансамбли ўзининг чиқишлари билан ишчиларни мамнун этди. «Ойкулан» ашула ва рақс дастаси «Баҳор» ансамбли санъаткорларининг ҳузурда меҳмон бўлди. Дастаннинг раҳбари Д. Муродов, бадий раҳбари П. Мадраимов жонининг босиб ўтган ижодий йўли ва режалари ҳақида гапириб бердилар.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ музыкали театрининг «Ошиқ Ғариб» спектакли Навоий номи, «Оти Усён» эса Ҳазна номидаги театрлар биносида томошабилар диққатига ҳавола этилди.

Қорақалпоғистон маданияти кунларининг қатнашчилари Ўзбекистон ижодий уюшмаларида бўлдилар.

Ўзбекистон Эзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Ж. Камол қорақалпоқ адбларини самийий мулоқотга олиб элди. Учрашувда сўзга чиққан Т. Қайнибергенов, И. Юсупов, Т. Қобулов, П. Қодирий, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Ойди Экубов ва бошқалар адабиёт муаммолари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ушбу учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Г. Аниқилчева иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари уюшмасида оммавий ахборот воситаларининг давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифалари ҳақида фикр алмашилди. Учрашувда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси журналистлар уюшмасининг раиси Ж. Тожиқидинов, «Эркин Қорақалпоғистон» газетасининг муҳаррири К. Бежонов ва бошқалар журналистларнинг халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаларига тўхтадилар. Ўзбекистон Республикасининг маъбуот бўйича давлат комитети раиси Р. Шогўломов Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов томонидан ҳозирги мураккаб иқтисодий шартларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун ғамхўрлик қилаётганлигини алоҳида ушдирди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувининг раиси Л. Кабиров ушбу учрашувда ҳозир бўлган уюшма аъзоларидан бир гуруҳига Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг янги аъзолик билетларини топширди.

Қорақалпоғистон маданият кунлари қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентини, Театр арбоблар уюшмаси ва бошқа ижодий уюшмаларда ҳам қабул қилиндилар.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ БАҲРАМАНДА

С. Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоғистон ёш томошабилар театрининг ташкил этилганга эндигина 3 йил бўлганига қарамай унинг ижодкорлари ўз спектакллари билан кун сайин томошабилар хурматини қозониб бормоқдалар.

Уларнинг С. Жўмагуловнинг «Одамлар қандай бузилишган?» асари асосида сахналаштирилган тўрт пардали мюзикли драмасини томоша қилиш истагида бўлганларнинг барчасини шаҳаримиздаги рус ёш томошабилар театрининг мухташам томоша залли ҳам ўз бағрига сиғдиришмади.

Спектаклда асосий ролларни Ўзбекистон халқ артисти, Бердақ мукофоти соҳибид А. Ансатбоев, Ешлар Иттифоти мукофоти соҳибидар М. Исмоилова, Л. Холмизаева, артистлардан А. Наврўзова, Қ. Утемураевлар ижро этдилар.

Сахналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон халқ артисти, Бердақ номидаги республика мукофоти соҳибид Н. Ансатбоев, Саҳна безакларининг Қорақалпоғистон халқ рассомлари И. Алибеков, И. Муҳитовлар ишлашдилар.

Бундан ташқари санъат мухлислари шу кунга Алишер Навоий номидаги академик Катта театрда намойиш этилган Бердақ номидаги мюзикали театрининг «Ажинеъ» миллий операси ва «Баҳор» концерт залда истеъдодли санъат арбоби Пулат Мадраимов раҳбарлигида «Ойкулан» ашула ва рақс дастаси ижросидаги дастурини томоша қилишдилар.

Шухрат АРМОН.

НУКУС НОМИ БЕРИЛДИ

Суратли ахборот



Нукус шаҳрига 60 йил тўлгани муносабати билан Миробод районидagi Полторацкий кўчасига Нукус номи берилган эди. Шаҳримизда Қорақалпоғистон маданияти кунлари ўтаётган шу кунларда бу кўчага ушбу ном берилишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳамда қорақалпоғистонлик меҳмонлар иштирок этишди. Митингнинг Тошкент шаҳар Ҳокимиятининг ўринбосари Ш. И. Жалилов кириш сўзи билан очиб, шундай деди:

— Муҳтарам Президентимиз Исрол Каримов ташаббуси туфайли ушбу маданият кунлари ўтмоқда. Худди шу подиёна кунлари мамлакатимиз пойтахтидаги кўчаларнинг бирига Нукус номи берилиши ўзбек ва қорақалпоқ халқлари дўстлигининг ёрқин рамзидир.

Ййгилишда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков ҳамда Нукус шаҳри Ҳокимиятининг ўринбосари Б. Матқоновлар сўзга чиқиб, янги ном орасидаги мустаҳкам дўстлик ҳақида гурур билан гапирдилар.

Митингдан сўнг шу ерда бадий ҳаваскорлар ўз санъатларини намойиш этдилар.

Абдуллоҳ АБДУРАҲМОНОВ.

СУРАТЛАРДА: ушбу тантанадан лавҳалар. Рустам Шарипов суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

1. Ўзбекистон жамғарма банкни аҳоли қўлидаги 1992 йилги давлат заъми облигацияларини қабул қилишни 1993 йил 1 февралгача тугатилсин, уларнинг суммаси махсус сўғта ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи фуқароларнинг хоҳишига кўра 1992 йилги давлат заъми облигацияларининг махсус сўғтарга ва омонатга топширилган суммасига:

1993 йилда, шу йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 февралда чиқарилиши ютуқли заъми облигацияларига курс қийматини тўламасдан алмаштиришга;

хусусийлаштириш давомида уй-жой, биринчи марта ниқоҳдан ўтаётган шахсларнинг узоқ муддат фойдаланиладиган тоғарлар сотиб олиш, шунингдек тўй ва маросимлар қилиш учун уларни нақд пулсиз тартибда ўтказишга рухсат этилсин;

Ййилга 9 фоз хисобидан даромад олинган ҳолда уларни сақлаш муддатлари чеклаб қўйилмасин.

2. Маъкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 26 январь.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Собиқ СССР парчаланган шартларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилиш мақсадида вазирлар маҳкамаси «1992 йилги давлат заъми тўғрисида» фармойиш чиқарди. Фуқароларнинг истагига биноан ушбу фармойиш билан Ўзбекистон жамғарма банкни муассасаларининг махсус ҳисобидаги 1992 йилги заъми облигациялари қийматини Ўзбекистон Республикаси 12 февралда чиқарилиши ютуқли заъми облигацияларига курс қийматини тўлашга 1993 йил 1 февралдан бошлаб айирбошлаш ҳуқуқи берилди.

1992 йилги заъми облигацияларининг эгаси ўз хоҳиши билан махсус ҳисобга топширган облигациялар қийматини 9 фоз даромад ҳисобга олинган ҳолда 250 сўмлик, 500 сўмлик ва 1000 сўмлик Ўзбекистон Республикаси заъми облигацияларини олиши мумкин.

Масалан: жамғарма банкнидаги махсус ҳисобга 1000 сўм қўйилган бўлса, унинг эгаси 250 сўмлик тўртта ёки 500 сўмлик иккита ёхуд 1000 сўмлик битта облигация олиш ҳуқуқига эгадир. Агар айирбошлаш пайтида махсус ҳисобда 1050 сўм бўлса, у ҳолда ҳисоб эгаси 1000 сўм миқдорда хоҳлаган қийматдаги облигациялар миқдорини олиши мумкин, 50 сўм миқдордаги пул эса нақд қайтариб берилди.

Бундан ташқари маъкур фармойиш махсус ҳисоблардаги маблағдан нақд пулсиз ҳисоб китоб қилишга фойдаланиш учун кенг имконият очди. Чунинки: хусусийлаштирилган уй-жой ҳақини тўлаш мумкин — бунинг учун махсус ҳисоб эгаси хусусийлаштирилган кинталияси асосида 187-формага биноан банкка топшириқ беради. Бу формалар Ўзбекистон жамғарма банкнинг барча муассасаларида мажбурий. Банк топшириқда қўрилган нулини керакли мақсадга ўтказишдан биринчи марта ниқоҳдан ўтаётган шахслар узоқ муддат фойдаланиладиган молларни сотиб олишлари мумкин. ЗАГС идоралари ёки савдо муассасасининг тегишли хўжалиқлари асосида Ўзбекистон жамғарма банкнинг ҳисоб-китоб чеки ёзиб берилади ёки ҳисоб эгасининг 187-формадаги топшируви асосида савдо муассасасига пул ўтказилади;

ҳокимиятлар, ЗАГС идоралари, маҳалла комитетлари томонидан берилган тегишли хўжалиқлар асосида биноан тўй ва маросимлар учун ишлаши мумкин.

Фуқароларга энг кўп ҳудудлик бериш учун Ўзбекистон жамғарма банкнинг муассасаларидаги махсус ҳисобларда турган 1992 йилги заъмларнинг облигацияларини 1993 йил мавқиянида айирбошлаш кўзда тутилган. Ййилга 9 фоз хисобидан даромад олинган ҳолда уларни сақлаш муддатлари чеклаб қўйилмаган.

Вироп сабабга кўра Ўзбекистон жамғарма банкни муассасаларига топширилган 1992 йилги давлат заъми облигацияларига оға бўлган фуқаролар шунинг назорат қилиш зарурки, Ўзбекистон жамғарма банкнинг муассасалари 1992 йилги заъми облигацияларини 1993 йил 1 февралгача қабул қилсин.

1 февралгача кўзда тутилган вақт мавқиянида Ўзбекистон жамғарма банкнинг муассасалари узайтирилган иш кунлари да дам олиш кунлари ҳам ишлайдилар.

Ўзбекистон мустақиллик эришгач, жаҳон ҳамжамиятидаги барча давлатлар каби иқтисодийнинг барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнайдиган божхона хизмати ташкил этиш учун эҳтиёж туғилди.

жамоачи бўлганида, унинг бундай нопок фаолиятига чек қўйилди. Ўзбекистонда Самарқанд — Жиззах орасидаги божхона пости энг мураккаб ва қийин нунга ҳисобланади.

мига кўра мақсад гўё хайрли эди: фуқароларни бошқа шаҳарларга аразон нархларда элтиш. Бироқ кейинроқ унга нефть қазиб чиқариш, уни қайта ишлаш каби моддалар қўшилган. Сўнг Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакорпорацияси қарашли бўлган божхона «Среднеазиатпром» лицензия берган деб ўтган йили Афғонистон ва Ўзбекистон давлатларида 44 минг тонна дизел ёнгилғисини юбориш қўрилган.

лар катта таассурот қолдиришди. Шу кун шунингдек, Республика давлат божхона комитети раисининг муовини Саидзамин Орипов, Тошкент вилояти божхона бошқармасининг бошлиғи Абдулла Убайдуллаев, Бухоро вилояти божхона бошқармасининг бошлиғи Абдували Боқоқуллов, Самарқанд вилояти божхона бошқармасининг бошлиғи Абдували Примов, Жиззах вилояти божхона бошқармасининг бошлиғи муовини Абдуллажон Қодировлар ҳам сўзга чикиб, ўз вилоятларида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Спорт Спорт

Ўсмирлар баҳси

«Ешлик» спорт саройида 1978—1979 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида энгил атлетика бўйича республика чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақа дастурига кўра, спортчилар 18 хил махсус уч кураш, олти ва тўрт кураш бўйича баҳс олиб бордилар.

Югурчи бўйича ўтказилган беллашуларда андижонлик спортчилар олдида тушадигани топилди. Мураббий Р. Бектемировнинг шогирдлари Антон Юсупов, Муҳаммад Ҳожибоев, Азамат Низоминовлар 100, 300, 600 метрлик масофаларга югурчи бўйича ғолиб бўйдилар.

Беландлик ва узунликни сакраш мусобақасида Григорий Жилин, Ольга Малишеввалар бош совринни қўлга киритдилар.

Мазкур мусобақа қатнашчилари, мутахасссларнинг айтишича, 2000 йилга бориб Ўзбекистон олимпия терма жамоаси асосини ташкил этади.

Ш. ЭОКИРОВ.

Сафар олдидан

Тошкентдаги Г. Титов номи олимпия ўринбосарлари тайёрлаш билим юртида спорт гимнастикаси бўйича уюштирилган очик турнир ниҳоятда етди.

да Англияда бўладиган жаҳон чемпионати учун ўзига хос тайёрларлик вазифини ўтаган турнирда спорт усталиридан Ирина Панкова, Ҳикмат Тухтаев (тошкентлик бу икки спортчи шунингдек, «Турнирнинг агентлиги» кичик корхонаси, «Лидер» спорт клуби хомийлигида ўтган мазкур мусобақаларда республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарлари, жумладан Андижон, Бухоро, Олмалик, Янгийул, Самарқанд ва Тошкентдан таширф буюрган 80 га яқин гимнастикачилар ўз эркин дастурлари билан қатнашдилар.

Шу йилнинг апрель ойи-да Англияда бўладиган жаҳон чемпионати учун ўзига хос тайёрларлик вазифини ўтаган турнирда спорт усталиридан Ирина Панкова, Ҳикмат Тухтаев (тошкентлик бу икки спортчи шунингдек, «Турнирнинг агентлиги» кичик корхонаси, «Лидер» спорт клуби хомийлигида ўтган мазкур мусобақаларда республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарлари, жумладан Андижон, Бухоро, Олмалик, Янгийул, Самарқанд ва Тошкентдан таширф буюрган 80 га яқин гимнастикачилар ўз эркин дастурлари билан қатнашдилар.

Доно ҲАЙДАРАЛИЕВА.



Футбол — мардлар ва эчкилар ўйини.

Режалар белгиланди

Бугунги кунда республикамизда талайгина спорт иншоотлари ишлаб турибди. Эндиликда улар фаолиятини янада кенгайтириш учун яна бир ташаббуслик яратилди.

Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб таъсис этилган мазкур йирик федерация ўз истибтобли, режаларини ҳам белгиллаб олди. У яқин орада ўзининг ўқув даргоҳларига ҳам эга бўлади.

Республика федерацияси халқаро бриджд федерациясига аъзо бўлиб киришга ҳам ҳозирлик кўрмоқда.

Сурайё ОМОНОВА.

Футбол янгиликлари

Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган халқаро минифутбол турнирида иштирок этган Москва спортчилари финалда Голландиянинг «Гронинген» жамоаси билан учрашиб 6:1 ҳисобида икконтати бой бердилар.

Флоренцияда эса Италия ва Мексика терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Унда мексикалар 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни Италия жамоасининг «Индустриалери» Баджо ва Мальдини киритди.

Франция миллий терма жамоаси футболчилари янги йилдаги биринчи учрашувини ўтказди. 1994 йили бўладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифини ўтгайдиган мазкур ўйинда французлар Лиссабоннинг «Спортинг» жамоаси мексикони 2:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Флоренцияда эса Италия ва Мексика терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Унда мексикалар 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни Италия жамоасининг «Индустриалери» Баджо ва Мальдини киритди.

Франция миллий терма жамоаси футболчилари янги йилдаги биринчи учрашувини ўтказди. 1994 йили бўладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифини ўтгайдиган мазкур ўйинда французлар Лиссабоннинг «Спортинг» жамоаси мексикони 2:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар.


Тошкент шаҳрида футбол бўйича ўтказилган мусобақада «Искандар» ва «Спартак» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрида футбол бўйича ўтказилган мусобақада «Искандар» ва «Спартак» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрида футбол бўйича ўтказилган мусобақада «Искандар» ва «Спартак» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Шундай хизмат бор

ИҚТИСОДИЙТИМИЗ МУҲОFAZACI ЙЎЛИДА



ТАЛИГИ-ЛИМИЗДА. А. АКАРИМОВ

Кунин кеча Республика давлат божхона комитетининг раҳбарлари, унинг Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ишловчи бўлиб келган ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирокидаги матбуот конференциясида ҳам божхона хизматининг ўтган йилги иш якунлари, ушбу оғир, лекин шарафли ишнинг ўзига хос нозик томонлари, ютуқ ва камчиликлари ҳусусида оқиқ-ойдин мулоқот бўлди.

Комитетимиз Ўзбекистондаги энг кенга тузилмалардан бири бўлса-да, ўтган йилда вақт ичида салмоқли натижаларга эришдик — деди ўз матбуот хизматида Республика давлат божхона комитетининг раиси Ураймжон Абдуғаниев. — Ўтган 1992 йилнинг ўзида фуқаролар, корхона ва ташкилотлар томонидан 19866 марта тартибни бузиш ҳоллари рўй бериб, Ўзбекистондан четга олиб чиқиб кетилаётган 1 миллиард 251 миллион сўмлик мол ушлаб қолинди. Унинг 1 миллиард сўмликдан ортиқроғи давлат ҳисобига ўтказилди. Турли нопок йўллар билан Ўзбекистон халқига тегишли мол-мулкларини «туя» қилмоқчи бўлган 16 минг 514 кишига 4 миллион 812 минг сўм, шу жумладан 932 нафар раҳбарга 720 минг сўм жарима солинди.

Шу ўринда айрим муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Мамлакатимиз мустақил бўлгач, жуда кўп қонун ва фармонлар қабул қилинмоқда. Албатта, уларнинг кучи ҳам ўз вақтида ижро этилишида. Лекин ҳамма вақт ҳам уларни турли вазириятлар, муассаса ва ташкилотлар ҳис қилишмастир. Кўп ҳолларда қонун бузишгани учун олдин фуқаролар жаза олмақда. Айрим мутаассадли раҳбарлар эса ялғиз қилиб четта чиқариш нотўғрилиги ҳақида гапирсалар-да, амалда эса бунинг тескарсини қилмоқдалар.

Айниқса махсусотларни бартер усули бўйича айирбошлашда аҳвол чокоч, Афсуски, Ўзбекистонда барча бартер операцияларини тўла-тўғис нозорат қиладиган ягона система ҳали вужудга келгани йўқ. Ҳатто бу борада республика мулкчи маълум маънода талон-тарож қилинган, десак ҳам янглишмаймиз. Қанча ширкатлар, кўшма ва кичик корхоналар четга мол юборяптилар, унинг ўрнига иқтисодий тиричиликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган махсусотлар келмайти. Бу махсусотларнинг кўпчилиги қўлга олиниб, қийматларидан ва у билан доим даражада шугулланилмаётганидан далолат беради.

Айрим мисолларга мурожаат қилсак, масала ойдиллашди. «Барак» воситалик фирмаси раҳбарияти Қозғоғистоннинг Павлодар шаҳридаги «Иньом» фирмаси билан «Иньом» 20 тонна лимонни Қозғоғистонга юзлаштириш шартнома олиниши ҳақида шартнома тузди. Текширувлан сўнг маълум бўлдики ҳужжатлар қалбаки экан. Бу ерда 550 минг сўмлик порча орқали ими-жимиди иш битирмоқчи бўлишган. Ҳозир «Барак» фирмасининг мазкур аъло фаолияти қозғоғистон жойини иш қўзғатди. Ён «Бўстон» хусусий фирмасининг фаолиятини олайлик. У республикамиздаги 4 та давлат хўжалигини 563 тонна пахтани сотиб олиб, унинг ҳар бир тоннасини 130 минг сўмдан. Бишкек шаҳридаги бир ташкилотга тегишли ҳужжатларис ўт-

публика ризига кўз олайтирғилар бу оқиқ-ойдин махсусотларнинг қандай йўллар билан кимлардан олдилар экан?

Дарҳақиқат, айрим қиғир кимсаларнинг, ташкилотларнинг фаолияти билан танишиш ёқа ушлайсиз. Хусусан, Ўзбекистон ҳукумати томонидан ёнгилғи-нефть махсусотларини реэкспорт (бошқа ерларга қайта юнатиш) қилиш қатъий ман этилади. Чунки, ўзимиз республикамизнинг нефть махсусотларига бўлган эҳтиёжини валюта ҳисобига қондирялмас. Аммо қўнганни қаплатириш мақсадида қонуний бузувчилар нам эмас экан. Жумладан, 18 январда Сирдарё вилояти чегарасида Қирғизистон ҳудудида Жиззах вилоятининг Ўст-Ўст шаҳридан 8 автомашинада жами 2 миллион 320 минг сўмлик 32 тонна дизел ёнгилғисини олиб кетаётган колонна ушланди. Бунинг қанчанга, мазкур ёнгилғи эвазига улар чойшаб, ёстиқ, жилди каби ётар-жой буюмларини олишмоқчи эмиш. Ўзбекистондаги барча омиборлар бундай буюмларга тўлиб ётган бир пайтда... Бу ниш юзасидан ҳам тегишли чоралар кўрилади. Ёнгилғи мусодара қилинди.

Ехуд «Полет» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасининг фаолиятини олайлик. Ўтган йили иш бошлаган бу қўшма корхонанинг ташкил этилишининг ўзи ноқонуний бўлган. Яъни Ўзбекистон томонидан унга 133 минг сўм, АҚШдан эса атиги 82 минг сўм (доллар эмас!) миқдориди пул қўшилган. Тўғри, низо-

сўмгача жарима солинар, бу ҳол яна бир бор тақорланса айбдор шахс жиноят мажмуасига кўра жавобгарликка тортилади. Энди эса раҳбарларга 5 минг сўмдан 17 минг 500 сўмгача жарима солиниб, олиб кетилаётган мол мусодара қилинади. Фуқаролар эса аввал 200 сўмгача жарима тўлашган бўлса, бу йилдан бошлаб жарима миқдори 1250—12500 сўм бўлди ва юк мусодара қилинади.

Шунингдек, шу йил 1 февралдан Россия Федерацияси ва Ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар божхоналари ўртасида қатъий декларация бўлиши олдидан амалга оширилади. Унда таъкидланишича, юкининг қаердан олингани ва қаерга олиб кетилаётгани аниқ ва равшан кўрсатилиши керак. Акс ҳолда катта миқдордаги жарима тўлаш ва юкининг мусодара этилишиндан ҳеч ким қочиб қутула олмайд.

Ингилданларда бошқа барча хизмат турларидан фарқи қиладиган божхона ходимларининг янги иш қийинлари ишлаб чиқилгани ва у шу йилнинг иккинчи ярмида жорий этилишини, бу эса божхона комитети номидан иш қилишга уринувчи айрим фирмобар кимсаларнинг фаолиятига чек қўйиши ҳақидаги ҳамда республика божхонаси комитети юшюда божхона сиваси ва ҳуқуқ бўлимининг ташкил этилгани, унда ҳозир жаҳон таъриблари асосида божхона қонуночилиги асослари, халқаро божхона конвенциялари урганилиб, бунинг бу соҳадаги сиваситимиз шаъланутириладигани ҳақидаги хабар-

сменада 24 соатга мўлжаллаб ташкил этилган. — суҳбатга қўшилди Республика божхонаси ҳузуридаги иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш, кўчма постлар ва жадал ҳаракат қилиш бўлимининг бошлиғи Пардавой Қосимов. — Учта йуналиш бўйича Тошкент шаҳри ва вилояти, Сирдарё вилоятининг бир қисмида иш олиб борамиз. 3 кун шаҳарда бўлсак, 10 кун командировкада бўламиз. Қайси вилоятларда куч етишмаса, кўмакка муҳтож бўлса амалий ёрдам кўрсатиш учун ўша ерга борамиз. Шунингдек, олиб кетилаётган юкларни текширашимиз, жойлардаги ҳо-диамларнинг ҳам қатъийлик қўлиб ишлаётганликларини нозорат қиламиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкумаси томонидан чиқариш қонунларини бузиб, вилоят қонимларининг ўз вазифини сунистемол қилиб нотўғри лицензия берган молларни ҳам ушлаганмиз.

Ҳақиқатан ҳам божхонада ишлаш оғир, масъулияти ва кичинчи томондан мустақил Республиканинг иқтисодий тиричилишига қийин учун аниқ вақтда жуда зарур иш. Биз ушбу комитет ишини яна ҳам қанот ёзиб, халқимиз номини яримта қилётганларга қарши кураш фаолиятида омадлар тилаймиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: матбуот конференцияси пайтда; Республика Давлат божхона комитетининг зиярат ҳодимлари томонидан ушлаб қолинган ва мусодара этилган айрим буюмлар. Даврон Аҳмад суратлири.

14 январдан 20 январгача Тошкентда 29 та йиғин содир бўлди. Ташкил-да ўтиш ишонки, январнинг учинчи ҳафтасида шаҳримизда ёнгилғи сел-лириги даражада қамийди. Бироқ ҳақон асосий ў тушиш ҳоллари қи-шик иштиги эсбоблари ва печалардан нотўғри бойдаланиш сабабли юз бермади.

15 январь кунин Мирзо Улубек районидagi Зилвескии кўчаси, 17-уй, 2-хонадонда ёнгин чиққанлиги ҳақида 2-бўлимга соат 7 дан 18 дақиқа ўтганда хабар беришди. Зулқид билан этиб келган ўт учирувчилар соат 7 дан 32 дақиқа ўтганда ёнгинни ўчиришга муваффақ бўлишди. Аммо ёнгин тухайли унинг 30 квадрат метр жойи зарарланди.

Уй соҳибаси Феруза Ҳакимованинг таъкидлашича, ёнгин газ печасидан чиққан.

«01» хабар беради

16 январь кунин соат 10 дан 16 дақиқа ўтганда Юнусобод районидagi Хуршида кўчаси, 23-уйда ҳам ёнгин чиқди. Райондаги 1-бўлим ўт учирувчилари соат 11 дан 18 дақиқа ў-

ганда ёнгинга барҳам беришган бўлсада, ҳаммом печасидан чиққан ёнгин оқибатида Феруза Эгамбердиева хонадонининг 150 квадрат метр жойи ёниб кетди.

19 январь кунин Миробод райони Манжара кўчасидаги Фуракат боғи қорувхонасида ҳам соат 16 дан 17 дақиқа ўтганда ёнгин чиққанлиги тўғрисида 3-бўлим ўт учирувчиларига хабар келди. 16 дан 44 дақиқа ўтганда ёнгин ўчирилди. Аммо 50 квадрат метр жой ёнгиндан тўла зарарланган эди. Бу ерда ёнгин кўмир билан ёнадиган печадан чиққанлиги аниқланди.

Тошкент шаҳри ўт ўчириш бошқармасининг давлат ёнгиндан сақлаш нозорат бўлими.

TOHKENT OKSHOMI. MUASSISLAR: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67. Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашрийат-матбаачилик концернининг босмаҳонаси.